

МУРОД ТОЖИБОЕВ

ЙЎҚОЛГАН УЗУК

ҚИССАЛАР



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент
2012

УДК:821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

Т-91

Тожибоев, Мурод. Йўқолган узук: қиссалар / М.Тожибоев. –Т.: Янги аср авлоди, 2012. 60 б.

ISBN 998-9943-08-861-0

Муаллиф узоқ йиллар давомида суд-ҳуқуқ идораларида раҳбарлик лавозимида тер тўкиб, ўз профессионал фаолиятида қатор чигал жиноят ишларини кўриб чиққан. Бу ишларнинг баъзилари детектив қиссаларга мавзу бўлган. Ушбу асарлар ҳам айнан шундай сюжет асосига қурилган.

Реал воқеалар негизига суянган ҳолда ёзилган бу асар китобхонга маъқул бўлади, деган умиддамиз.

УДК:821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

Тақризчи:

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, «Энг улуг, энг азиз» танлови ғолиби

ISBN 998-9943-08-861-0

© Тожибоев Мурод. Йўқолган узук. «Янги аср авлоди», 2012 йил.

ҚОРА ШАРПАЛАР

(қисса)

Сўлим баҳор. Ўн тўрт кунлик ой ўзининг заррин нурларини қадриабод замин узра сахийлик билан таратар экан, оҳистагина эсаётган кўклам эпкинида адл ва ўйчан теракларнинг ҳали йириклашиб улгурмаган барглари майин шивирлайди. «Карвонёп»да оқаётган сувда кўкдаги юлдузлар чамани аниқ-тиниқ кўринмаса-да, гўзал ойнинг акси жилоланиб сузади. Анҳор сувига тикилиб хаёлга толган Бахтиёр табиатнинг бу эрка гўшасидаги озонга бой кислороддан кўкрагини тўлдириб-тўлдириб нафас олди, томирларидаги қон арнанинг сувидек мавж урди. Тунги соат иккидан ошгани учун ушбу арна соҳилидаги тўранғиллар, тераклар, толлар, жийдалар, боғ-роғларга кўмилган овул алақачон ширин уйқу оғушида ором олар, ҳатто дайди итларнинг ҳам уни ўчган, борлиқ ойдин оқшомнинг осойишта пинжига кирган эди.

Энг охирги сериалларни, уммонлар ортидаги қайсидир мамлакатда суратга олинган ишқ ва тахт талашишлардан иборат тафсилотларнинг биттасини ҳам қолдирмасдан кўрадиган бекалар яшайдиган уйлارнинг чироқлари сўнганига бир соатдан ошган. Бу оқшом улар ётоқларига киришдан олдин уйларидаги электр чироқларини ўчириб қўйишди. Ҳар икки тундан бирида бунга ҳожат қолмайди, туман тармоғидан токни узиб қўйишмаса, айрим хонадонларнинг соҳиблари энергия ҳақини тўлашни унутиб қўйишади.

Сувга эгилиброқ ўсган азим тўранғил дарахтининг бир новдаси ногоҳ шитирлаб кетди. Ўша томонга қарган Бахтиёрнинг нигоҳи анҳор ёқасидан ўзи томон

шитоб билан келаётган қора шарпага тушди. Қора шарпа айнан ўша «товуш тезлиги» билан орқасига бурилди-да, бир сония ичида кўздан ғойиб бўлди. У дастлаб шошиб қолганидан қай йўсинда ҳаракат қилишни ҳам билолмай, юраги тез-тез уриб, бўғзига ҳаяжон тўлқини тиқилиб қолди. Орадан икки дақиқача вақт ўтгач, эсини йиғиб олиб, шарпанинг кетидан югурди. Ҳар эҳтимолга қарши анҳор четидаги қоратолнинг қуриган шохидан калтак синдириб олди. Ўз боғига кирди. Тунги боғда бирор зоғ тугул кечаларнинг доимий «меҳмони» бойўғли ҳам йўқ эди. «Ёпирай! Қора шарпа менинг боғим томондан чиқиб келдими? – даҳшатдан қотиб қолди у. – Куз бўлса эди, «бешбармоқ» навли олмамдан бир қоп ўғирлагани келган десам бўларди. Баҳор чоғи менинг боғимда унга буламиқ пишириб, сариёғ билан аралаштириб қўйибдими? Ё «шарпа»нинг хотиним Сайёра билан гапи бормикан? Йўғ-е, калламга қанчалар аҳмоқона фикрлар келяпти. Ер юзида битта фаришта аёл бўлса бири, иккита бўлса иккисининг бири Сайёра эмасми? Гумон иймондан айиради, дер эди бобом. Сайёра ҳақида бундай ўйлашимнинг ўзи адолатдан эмасов!»

У вужудига зилдек юк бўлиб қуюлган оғир хаёллар қуршовида уйига кирди. Даҳлиздан ўтиб, ўз ётоғининг эшигини очди-да, электр чироғини ёқди. Кенггина ётоқ электр нурларидан чароғон бўлиб кетди. Хотини ширингина уйқу оғушида. Бахтиёр негадир дераза томонга қаради. Ҳали деразани очиб ухлайдиган иссиқ кунлар келгани йўқ. Шу боис тоза ҳаво кириб турсин, деган мақсадда кичкина дарчагина ярим очилган. Кўзига чироқнинг ўткир шуъласи тушган Сайёра безовта бўлиб ён томонга ўгирилиб ётди. Шунда унинг тундек қоп-қора сочлари ярим очиқ елкасига шалоладек қуюлди. Тўйдан олдин кечаси тутзорда учрашувга чиққанида унаштирилган паризодни илк бора қучгани, шу сунбул сочларни ҳаяжондан титраб-титраб

силаганлари ёдига тушди. Бошқа пайт бўлганида-ку, ҳозир ҳам шу ишни қилган бўлар эди. Аммо бу чоғ унинг асаб торлари дўмбиранинг ипидек таранг. У деразадан ташқарига тикилар экан, бехосдан юмшоқ ўйинчоқни босиб олди. Ўйинчоқдан бўғиқ овоз чиқди. Хотини уйғониб:

– Ҳа, хўжайин, не бўлди? Рангингиз оқариб кетиб-дими? Қон босимингиз жойидами ўзи?

Бахтиёр суқсурдек хотинига қараб туриб яна хаёлга толди. Унаштирилишларидан аввал Сайёрага овулнинг қанчадан-қанча гўч йигитлари харидор бўлишган эди. Айниқса, Юсуф деган ўзини хон, кўланкасини майдон деб ҳисоблайдиган суллоҳ йигит нон ушатиладиган ҳам ортга чекинмаган, Сайёра иккиси туман марказида «Сангам» бадийий фильмини кўриб қайтаётганларида барзанги ўртоғи билан йўл тўсган эди. Бахтиёр бир мушт билан Юсуфни қулатган, лекин барзангини енгиш осон бўлмаган, пайт пойлаб қўйилган каллагина қароқчининг афтини «чучвара»га айлантирган эди. Наҳотки, орадан ўн икки йил ўтиб ўша муттаҳам келган бўлса? Ахир унга паноҳ бўлган амалдор тоғаси қинғир ишлари учун неча йилдирки, панжара ортида экканини ўриб ётибди-ку. Ўзи эса гиёҳвандлик дардига мубтало бўлиб, озиб-тўзиб кетган, аввалги Юсуфдан башарасидаги нўхатдек холгина қолган, деб эшитган эди. Ким билади. У хотинининг саволини жавобсиз қолдирди-да, чироқни ўчириб, қалин ва юмшоқ ўринга чўзилди. Бироқ тонггача кўзини юрмади, ҳисоб.

Эрталаб даҳлиздаги телефон аппарати чўзиб-чўзиб жиринглаганида ҳам Бахтиёр ярим уйғоқ эди. Телефон гўшагини ўғли Йигитали кўтарганини билди. Ўғли «Хўп, ҳозир!» деган сўзларидан сўнг эшикни оҳиста очиб:

– Ассалому алайкум! Дада, яхши ётиб турдингизми? Сизни Муҳаммад акам сўраяптилар. Жуда зарур гапи бор экан! – деди. У ўрнидан тез туриб эгнига пи-

жамасини илди-да, даҳлизга чиқиб, телефон гўшагини олиб:

– Салом, оға! Саломатмисиз? Фароғатчиликми? – деди. (Бу овулда «фароғатчилик» деган сўз «тинчлик» сўзининг синоними сифатида ишлатилади)

– Ваалайкум, ас... салом, и...иним! – Муҳаммаднинг овозида аллақандай ҳадик бор эди. – Кечаси соат ўн иккилардан ошганда уйнинг ойнасини биров чертди. Энди кўзим илинган экан. Туриб пардани кўтариб қарасам, бир қора кийган одам бақрайиб турибди. Ўқдай учиб ташқарига чиқдим. Осмонга учдим, ерга кирдим, билмадиму ҳалиги қора маҳлуқдан ному нишон йўқ эди. Ўзинг биласан: филдан ҳам, жирафадан ҳам қўрқмайдиган овчаркам бор. У нега жим ётди, ҳайронман. Анча ергача югуриб бордим. Овулимизни бир айланиб чиқдим. Ҳеч кимни учратмадим. Ҳозир ташқарига чиқиб, уй атрофини кўздан кечирсам, тўрт-беш қадам нарида «Қорақум» конфетининг қоғози, чала ейилган «сухарик», оқ қанд сочилиб ётибди. Келган одамнинг излариям бор. Фақат ботинканинг эмас, ялангоёқ юрганнинг излари. Изнинг катталигини кўрсанг эди, қўрқиб кетасан, худди қор одамникига ўхшайди. Мен аввал ростдан ҳам қор одам келганми, деб ўйладим. Бироқ қор одам бўлса, оддий одамларга ўхшаб конфет, «сухарик», оқ қанд ермиди? Янглишмасам, у кечаси поезддан тушган савдойи йўловчи бўлса керак. Сабаби «сухарик» кўпинча поездларда сотилади. Рафинад оқ қанд йўловчиларга чой билан бирга берилади. Нима дейсиз? Милицияга хабар берамизми?

– Милицияга хабар бериш эмас, ўзимиз боришимиз керак. Оқ қанд масаласига келсак, у самолётда учган йўловчиларга ҳам берилади. Сиз яхшиси мени ўз уйингизда кутиб ўтиринг. Синфдош дўстингиз, туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи Раҳим Отажоновнинг олдига борамиз!

Бахтиёр гўшакни қўйиб, зудлик билан кийина бошлади. Хотини бир пиёла чойни пуфлаб-пуфлаб сову-

тиб қўлига тутқазди. Печенье қўйилган тарелкани телевизорнинг олдига қўйиб кетди. Битта печенье еб, бир пиёла чой ичгач, ташқарига чиқди. Одатига кўра мовийранг «Жигули»нинг капотини очиб, мой ўлчагични суғурмоқчи бўлган эди, машина моторининг қутилмаган иссиқ ҳовури юзига урилади. Тавба, бу қанақаси бўлди. Ахир уйда унинг ўзидан бошқа бирор одам машина калитини қўлига олмас эди-ку. Калитни бураб ёнилғи захирасини кўрсатадиган ойначага кўз ташлади: кеча тўлдирилган бакда атиги бир нуқтагина бензин қолибди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шулким, кимдир машинани беижозат олиб кетиб, камида юз эллик чақирим йўл босган. Нима мақсадда? Ким у? Не иш билан машғул бўлган?!

Бахтиёр билан Муҳаммад туман ички ишлар бўлимининг ҳашаматли биноси олдига келиб тўхтаганларида соат тўққиз яримлардан ўтган, қуёш анча юқорига кўтарилган эди. Навқирон милиционер ўнг кафтини жамлаган ҳолда ўнг чаккасига яқинлаштирди-да:

– Сержант Ортиқбой Эшимбетовман. Хўш, хизмат? – деди.

– Яхшимисиз, Раҳим Отажоновда ишимиз бор эди!

– Бошлиқ ҳозир шахсий таркиб тақсимооти билан банд. Биласиз, бизда «развод» дейилади. Соат ўн ярим, ўн бирларга қараб бўшаб қолар. Бошқа ишларингиз бўлса, бир айланиб келмайсизларми?

Сержантнинг таклифи уларга маъқул тушди. Шундоқ ҳам «Агробанк»да Муҳаммаднинг аввал чала қолган тўловномаси бор эди, шу иш билан машғул бўлишди. Тахминан бир ярим соатлардан сўнг яна ички ишлар бўлимининг назорат «пост»ига боришди. Сержант ички алоқа гўшагини кўтариб:

– Ўртоқ бошлиқ! Сержант Эшимбетов Сизга сиҳат-саломатлик тилайди. Ҳузурингизга «Бахтобод» жамоа хўжалигининг бош бухгалтери Муҳаммад Жаниев билан ер тузувчи мутахассис Бахтиёр Жўраевлар келишган. Ижозат берсангиз, олдингизга киришмоқчи!

– Ёнингизда «личний состав»дан яна ким бор?
– Ертас Усенов бор, ўртоқ бошлиқ!
– У келганларни кабинетимга «сопровождать» қилсин!

– Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ!

Синфдошини кўрганда Раҳим Отажоновнинг юзига табассум ёйилди. Уни маҳкам бағрига босиб:

– Бу беш кунлик дунёда бормисан, дўстим. Соғинтириб қўйдинг-ку. Кўришмаганимизга ҳам юз йилдан ошган бўлса керак-а? Бола-чақанг яхшими? Хотининг зўрми? Яна қачон бизларга сариеғли чалпак пишириб беради? Неча йил ўтган бўлса ҳам мазаси оғзимдан кетмайди. Айтганча, сен яхши юрибсанми, иним? – Бахтиёрга қўл узатди. – Қани, яқинроқ ўтиринглар. Муҳаммад дўстим-ей, бир бечора синфдошим бор деб хабар ҳам олмайсан-ей. Ё кўзингни мой босдимми? Бухгалтерлар бой бўлади. Оддий милиция ходимини назарга илармиди?

Кейин қоидага кўра буйруқ кутиб турган Ертас Усеновга:

– Кўк чой ташкил қил! – деди. Беш дақиқадан кейин столда бир чойнак чой, уч пиёла, бир тақсимчада «Рафаэлло» конфетлари пайдо бўлди. Милиция ходими чиқиб кетгач, Муҳаммад чойни шопирар экан:

– Қўл остингдаги одам бор бўлгани учун жим ўтирдим. Кесатиқ гапларингда жон бору сен ҳам бошлиқ бўлганинга қарамасдан синфдошларим борми, деб изламадинг. Бизлар – мен, Шарифбой, икки Рўзимбой, Давлатбой, Баҳодир, Мадатбой яъни «великолепная семёрка» турмуш ўртоқларимиз билан бирга ҳар ойда бир марта учрашамиз. Кеча Оққўлда «шашлик» пиширдик. Сенга қўнғироқ қилай дедиму банд бўлсанг керак, деб тортиндим.

– Ёлғон гапирма, билиб туриб телефон қилмагансан. Икки коллектор қўшилган жойда, Эгам чўпоннинг чайласида «маёвка» уюштирганларингдан, у ерга Қўчқор

Матёқубов, Марат Шукруллаев, бошқа бир-икки йигитларнинг тез-тез бориб туришлари, улоқ сўйиб «элик-элик» отишларидан ҳам хабарим бор. Хабар қилмаганингнинг сабаби эса Оққўлда ўтирганингда Думанқалъа «крепости» кўриниб туриши, у ерда мол боққанда икковимизнинг жанжаллашиб қолганимизни эслатиши!

– Хотирангга қойилман. Қўй, энди у замонлар ўтиб кетди. Икковимиз талашган парипайкар ҳозир Актау ё Атирау ёқларда невараларига алла айтиб ўтиргандир!

– Чойни конфет билан ич, жўра. Негадир ҳорғин кўринасан. – Раҳим Отажонов Муҳаммадга синчковлик билан тикилди. – Мазанг йўқми ё бирор санаторийга «путёвка» тўғрилаб берайми?

– Раҳмат. Иш кўп, дўстим. Кунига бир неча мартадан банк, солиққа югураимиз. Бир ой ишимизни ревизор тафтиш қилди. Роса инжиқ одам экан. Дахлаб бизлар билан чой ҳам ичмай, сумкасида келтирган қайнатилган тухумларни еб, ўзи опкелган минерал сувларни ичиб юрди. Бахтимизга овулдошимиз Собир Шеровникида гулдурсунлик Абдураим Ҳамроевни учратиб қолдим. У ревизорнинг нозик жойини яъни шахмат ўйнашини билар экан. Кейин ярим тунгача шахмат сурадиган, қозон кабоб ейдиган бўлдик. Пўлат Холменов ҳам келиб қўшилди. Хулласи калом, эл бўлиб кетдик. Энг яхши жойи, катта камчиликларимиз йўқ экан. Борларини эса учови аниқ, холис кўрсатиб берди. Ўрнига қўйдик!

– Тўғри қилибсан. Жаҳоннинг ярмини зир титратган Доро билан Искандар ҳам бу дунёдан ҳеч нарса олиб кетмаган. Буюк Амир Темур ҳазратлари эса бор бойлигини сарфлаб Самарқанддек рўйи замин сайқалини қурдирган. Ҳозир ҳам эл ҳеч кимдан кам эмас. Қуйи раҳбарлардан бир қанчаси коррупция ботқоғига ботиб кетгани рост. Эртами, кечми, барибир қинғир ишлари учун жавоб берадилар!



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2220> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2220> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2220>